

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ўзбек филологиясида матншунослик ва
манбашунослик муаммолари

III Республика илмий-амалий анжумани
материаллари

Наманган, 2020 йил 12-13 июнь



**ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИДА
МАТНШУНОСЛИК ВА
МАНБАШУНОСЛИК
МУАММОЛАРИ**

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА МАТНШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ

1.	Сирожиддинов Ш.	Матншуносликнинг назарий муаммолари.....	3
2.	Binnatova A.Ü.	Azərbaycan elminin Akademik isa həbibbəyli fenomeni.....	9
3.	Имомназаров М.	Алишер Навоийнинг илк девонлари матншунослиги.....	14
4.	Ҳомидий Ҳ.	Миллат фидойиси.....	24
5.	Мухиддинов М.	Хусрав Дехлавий сўз фазилати ҳақида.....	28
6.	Ҳаққул И.	Шеърӣй матн ва образ маънодорлиги.....	34
7.	Болтабоев Ҳ.	Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғоти-т-турк” асари таржимаси матнини қайта яратиш тажрибасидан.....	48
8.	Жабборов Н.	Матн тарихини ўрганиш – илмий ҳақиқат мезони.....	53
9.	Салоҳий Д.	Ўзбек манбашунослиги соҳасининг заҳматкаш вакили.....	62
10.	Тўхлиев Б.	“Девону луғоти-т-турк” мақоллари манбашунослик омили сифатида.....	68
11.	Rahmonov V.	O’lmakdin o’zga chora yo’q!.....	74
12.	Шодмонов Н., Равшанов О.	Чекка ҳудудларда яратилган адабий манбаларни ўрганиш муаммолари (XIX асрнинг охири ва XX аср боши Қашқадарё воҳаси манбалари мисолида)	77
13.	Эркинов А.	Алишер Навоий девонларининг аниқланган янги нусхалари (2010–2020 йиллар)....	88
14.	Nadirhan Hasan	Ahmed Yesevi’ye göre fakt.....	96
15.	Халлиева Г., Адамбаева Н.	Огаҳий асарларининг Санкт-Петербург кутубхоналаридаги нусхалари.....	110
16.	Қувватова Д., Соҳибова З.	Алишер Навоий шеърлятида фасллар ҳақидаги байтлар таҳлили.....	112
17.	Жўраев Ж., Мансуров С.	Ғафур Ғулом уй-музейидаги Мирзо Бедилга оид манбалар.....	119

39.	Амонов Ш.	Аҳмад Табибийнинг “Ҳайрату-л-ушшоқ” девони қўлёзмаси ҳақида айрим мулоҳазалар.....	236
40.	Холиқулова Г.	"Бобурнома" - муаллиф шахсиятини ўрганишдаги асосий манба сифатида.....	240
41.	Миркамилов Э.	Зу-л-лисонинг шоира мискин адабий мероси.....	244
42.	Дўстова С.	“Тазкираи шуаро”нинг №12561 инвентар рақамли қўлёзмаси.....	247
43.	Арслонов А.	“Темурнома”ларнинг қўлёзма ва тошбосма манбалари хусусида.....	250
44.	Тўхтамуротов Ф.	Муҳсиний назмий меросининг манбалари.....	256
45.	Умарова С., Алимжанова Х.	Adabiyotshunos Suyuma G'aniyevaning tadqiqot usuli va mezonlari.....	260
46.	Раҳмонова Г., Ёқубова С.	Навоийнинг санъаткорлик маҳорати тадқиқи.....	264
47.	Турақулова З.	“Хумоюннома” – тарихий- адабий манба сифатида.....	268
48.	Даминова Р.	Туркона услубнинг шаклланишида Аҳмад Яссавий ижодининг ўрни.....	270
49.	Ҳалимов С.	Темурий шахзода ва ижодкор Шохғариб Мирзо(Ғарибий) ва Алишер Навоийнинг ижодий ҳамкорлиги.....	276
50.	Jo'raboyeva S.	Shavqiy Namangoniy va uning adabiy merosining o'rganilishi xususida.....	279
51.	Soliyeva O.	“Husn-u dil” dostoni bir qo'lyozma manbasining tavsifi.....	283
52.	Ҳамидов М.	Ўзбек халқ китобларида тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима.....	287
53.	Мадиримова С.	Мутрибнинг лирик асарларида учрамайдиган ғазаллари.....	293
54.	Shomurodova S.	XX asr o'zbek devonchiligida Muhammadrasul Nojiiy devonining o'rni.....	300
55.	Жўраев К.	Носирхожа Валади Мансурхожанинг “Лайли ва Мажнун” дostonи.....	304

2. Саид Маҳаммадхожа бин Жъафархожа. Оғози достони Амир Темур кўрагон. ЎзР ФА Шарқшунослик институти, қўлёзма, инв. № 5738. – 112 в.
3. Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. Тошкент: Чўлпон, 1991
4. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Таржимон ва нашрга тайёрловчи А. Ўринбоев. Тошкент, Фан, 1969., 337-саҳифа
5. Аҳмедов Бўрибой. Амир Темур ҳақида ҳикоялар. - Т.: Ёзувчи, 1998. - 96.

МУҲСИНИЙ НАЗМИЙ МЕРОСИНИНГ МАНБАЛАРИ

Фурқат Тўхтамуратов, ТошДЎТАУ ўқитувчиси

Миллий уйғониш даври Кўкон адабий муҳити ривожда Ҳусайинкули Сулаймонкули ўғли Муҳсиний (1860-1917) адабий мероси муҳим аҳамият касб этади. Шоир ижодий фаолияти давомида шеърий асарларини жамлаб уч марта девон тартиб берган. Бундан ташқари, хаттот Али Охунд Хўжандий томонидан кўчирилган шоирнинг яна бир девони мавжуд. Муҳсиний истеъдодли шоир, таржимон, хаттот сифатида илм аҳлига маълум.

Ҳусайинкули Сулаймонкули Муҳсинийнинг бизгача етиб келган адабий меросини қуйидагича таснифладик:

1. ЎзРФАШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган 7392 инвентарь рақамли қўлёзма девон.

2. Кўкон шаҳар музейида сақланаётган 4303 инвентарь рақамли қўлёзма девон.

3. Шоирнинг авлодлари қўлида сақланаётган иккита қўлёзма девон.

4. Кўкон шаҳар Ғафур Ғулом номли адабиёт музейида сақланаётган 4131 инвентарь рақамли қўлёзма баёз.

5. Пўлатжон домла Қайюмнинг “Тазкираи Қайюмий” тазкираси “Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти: (материаллар ва хотиралар)” асрлари.

I. 7392 инвентарь рақамли қўлёзма девон. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 7392 инвентарь

рақамли Муҳсинийнинг қўлёзма девони сақланади. Колофонда қайд қилинган ҳижрий санага кўра, Муҳсиний милодий 1917 йилда девонни тартиб берган. Мазкур девон матн ўлчами 21,5x14см, ёзув қисми 15x7см. Девон муқоваси тўқ қизил рангда ва устки қисми яшил, сариқ нақшлар билан безатилган. Қўлёзма сариқ рус фабрика қоғозда кичик настаълиқ хатида қора сиёҳда битилган. 26-86 саҳифаларда дебоча ёзилган. Шеърят қисми ҳалли жадвалга олиниб, икки бўлакка ажратилган ва ғазаллар битилган. Девон жами 168 саҳифадан иборат. [1:1-168].

7392 инвентарь рақамли қўлёзма девонда жамланган шеърий асарларни қуйидагича таснифладик. Жумладан, ғазал - 239 та, шундан 28 таси форсий; мухаммас - 23 та, шундан 3таси форсий; мусаддас - 2та, мусамман - 3та, таржеъбанд - 3та, нома - 7 та, шундан 1та форсий; қасида - 8та, шундан 5та форсий, таърих - 29 та, шундан 12 та форсий, рубоий - 28 та. Ушбу қўлёзма девонда 7426 мисра шеър бўлиб, шундан 1090 мисраси форс тилида ёзилган.

II. 4303 инвентарь рақамли қўлёзма девон. Ғафур Ғулом номли Қўкон адабиёт музейида 4303 инвентарь рақамли Муҳсинийнинг қўлёзма девон сақланади. Ушбу девон хаттот Али Охунд Хўжандий томонидан қора сиёҳда настаълиқ хатида кўчирилган. Девон рус фабрика қоғозида кўчирилган ва барча саҳифалари бутун. Қўлёзма девоннинг матн ўлчами 21x17см ёзув қисми 7x15 см. 2а-саҳифада дебоча бошланган ва 8а-саҳифада яқунланган. 9аб-саҳифаларда шеърлар ёзилмай очик қолдирилган. Девон варақлар жадвалга олинмаган, унвон ҳам ишланмаган. Саҳифаларнинг пастки чап томонида пойгир кўйилган. 10б-саҳифадан ғазаллар бошланган бўлиб, котиб сарлавҳа қўймаган ва шеърлар чегарасини ажратмаган.

Мазкур қўлёзма девонда қуйидаги мумтоз шеър турлари бор: ғазал 239 та, мухаммас 30 та, мусамман 3 та, мусаддас 2 та, мураббаъ 7 та, тажреъбанд 2та, шеърий мактублар 4та, маснавий 1та. Девонда жами 5206 мисра шеър бўлиб, шундан 734 мисраси форс тилида битилган.

Қўлёзма девонни китобат қилган котиб томонидан 184 саҳифада сўнгсўзда форсий тилда изоҳ битилган. Унда девон кўчирилган сана ҳижрий 1336 йил деб қайд этилган. Ушбу санани милодий ҳисобга айлантирсак, 1916 йилга тўғри келади.

III. Муҳсиний авлодлари қўлида сақланаётган қўлёзма девон. Муҳсинийнинг ҳозирги кунда Қўқон шаҳрида яшовчи авлодларидан Нуридинов Мадаминжон ака қўлида қора муқовали қўлёзма девон сақланади. Ушбу қўлёзма девон матн ўлчами 20x15 см бўлиб, ёзув қисми 7x 15 см. Девон яхши сақланган бўлса-да, айрим саҳифаларда сиёҳ чаплашган ва тўкилган. Девон дастхат нусха бўлиб, рус фабрика қоғозида қора рангли сиёҳда кичик шаклда настаълиқ хатида битилган. 1- варағи йиртилган, 2-саҳифадан рақам қўйилган. Мазкур девон жами 210 саҳифани ташкил этади. 26-96- саҳифаларда девоча ёзилган. Дебоча сўнггида 96 саҳифда колофонда 1333 ҳижрий сана қайд қилинган. Ушбу ҳижрий сана милодий 1914-1915 йилларга тўғри келади.

Қўлёзма девонда 236 та ғазал, 24 та мухаммас, 3та мусамман, 2 та таржеъбанд, 3та мусаддас, 2та маснавий ва бта шеърӣ мактуб киритилган. Шоир авлодлари қўлида сақланаётган қора муқовали қўлёзма девондаги шеърларнинг умумий ҳажми 7438 мисра бўлиб, шунинг 900 мисрага яқини форсий тилда битилган.

IV. Муҳсиний авлодлари қўлида сақланаётган қўлёзма девон қўлёзма девон. Муҳсиний Қўқон шаҳрида яшовчи авлодлари қўлида тўқ қизил муқовали беш тамғали ҳалли жадвалга олинган қўлёзма девон сақланади. Девон сариқ рангли рус фабрика қоғозида ёзилган. Матн ўлчами 22x17 см бўлиб, ёзув қисми 7x15 смни ташкил этади. 16-саҳифасида унвон чизилган ва рақамланган девон жами 168 саҳифадан иборат. Настаълиқ хатида қора ва сиёҳранг сиёҳда шеърлар битилган. Варақларнинг пастки чап томонида пойгир қўйилган. Девоннинг 1а-8а саҳифаларида форсий дебоча битилган. 96 саҳифада унвон чизилган ва ўзбекча дебоча бошланиб, 14 б саҳифада яқунланган. 146 саҳифадаги колофон форсий бўлиб, ҳижрий 1310 сана қўйилган, милодий ҳисобга кўра 1897 йилдир.

Мазкур қўлёзма девонда 135 та ғазал; шундан 14 таси форсий, 8та қасида шундан бтаси форсий, 16 та таърих шундан 7 таси форсий, маснавий 3та, мурабба 9та, мухаммас 17 та шундан 2таси форсий бўлган шеърлар жамланган. Девондаги шеърлар 3989 мисра бўлиб, шундан 832 мисра форсий тилдан ёзилган.

IV. 4131 инвентарь рақамли қўлёзма баёз. Ғафур Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музейида 4131 инвентарь рақам билан

қўлёзма баёзда Муҳсиний ғазаллари ҳам киритилган. Қўлёзма баёз қизил муқовали беш тамғали ҳалли жадвалга олинган, ҳамма варақлари бутун. Баёз яхши сақланган, варақларини йиртилган, чизилган жойлари йўқ. Матн ўлчами 25x17 см, ёзув қисми 15x12 см. Рус фабрика қоғозида ёзилган. Ушбу қўлёзма баёз жами 252 саҳифадан иборат. Баёзда Муҳсинийнинг 16 та ғазали битилган. Қўлёзма баёзда жами 1216 мисра шеър бўлиб, Муҳсиний шеърлари 296 мисра шундан 68 мисра форсчадир. Шунингдек, баёзда Навоийнинг ўзбекча 2 та, Фузулийнинг ўзбекча 1 та, Бедилнинг форсча 5 та, Мавлавийнинг форсча 1 та, Амирийнинг ўзбекча 41 та ғазаллари киритилган. Баёз қачон ва ким томонидан кўчирилгани қайд қилинмаган.

Пулатжон домла Қайюмовнинг “Тазкирани Қайюмий” асарида Муҳсиний ҳақида қуйидагиларни ўқиймиз: “...1887 йилда бир гуруҳ улфатлари ила Ҳиндистон орқали Хижоз сафарига чиқиб, ажойиб ҳаж этмишдур. Хушфеъл, серзавқ, очик чехрали, меҳмоннавоз, нотик ва Бедилхон, фозил шоир эди. Форсий, туркий назм девони икки тилда бўлиб, ўз ўғилларидан ҳозирда ҳаёт мулло Нуриддинжоннинг қўлларида сақланмоқдадур” [6: 380-381].

Шунингдек, Пулатжон Қайюмовнинг “Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти: (материаллар ва хотиралар) номли асарида ҳам Муҳсиний таржимаи ҳоли ва адабий меросига оид айрим маълумотлар мавжуд. Жумладан, асарда қуйидагича фикрлар қайд этилади: “87с. Шоир Муҳсиний. Бу кишининг номи Мулла Ҳусайнжон хожи бўлиб, Сулаймонқул бой ўғлидур. Хўқанд шахрини Марғилон даҳасида Мирза Ёдгор маҳалласида 1863 инчи йилда туғилди. Бошланғич мактабни маҳалла масжидида битириб чиқиб мадрасаи Султонмуродбекда арабча илми сарф наҳв таҳсил этиб чиқди. Сўнгра Ҳиндистон орқали сафарга чиқиб Фаластин, ундан Истанбул орқали қайтиб келди. Бошқа иш билан шуғулланмай деҳқончилик ила юрди. 1919 инчи йилда 56 ёшинда шул ҳовлисинда вафот этди” [7: 197-198-б].

Юқорида келтирилган маълумотлардан англашиладики, Муҳсиний девон тартиб бериш жараёнида салоҳияти мукаммаллашиб борган, асарлари миқдор ва мазмун жиҳатдан бойиган. Албатта, бу ҳол шоир ижодининг юксалгани, маҳорати ошганидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, Муҳсиний адабий мероси адабиётшунослигимизда алоҳида монографик тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Шоир адабий меросини матншунослик ва адабий манбашунослик эришган сўнгги илмий-назарий ютуқлар асосида ўрганиш, шу асосда Муҳсинийнинг миллий адабиётимиздаги ўрнини баҳолаш долзарбдир.

Адабиётлар:

1. Муҳсиний. Девон. Ўз ФАШИ, қўлёзмаси, инв № 9273.
2. Муҳсиний. Девон. Қўқон адабиёт музейи, қўлёзмаси, инв № 4303.
3. Муҳсиний. Қўлёзма баёз. Қўқон адабиёт музейи, қўлёзмаси, инв № 4131.
4. Муҳсиний. Мустазод. Қўқон адабиёт музейи, конверт папка, инв № 7912.
5. Муҳсиний. Девон. Қўлёзма Муҳсиний авлодлари шахсий кутубхонасида сақланади.
6. Қаюмов. П.Д. Тазкирани Қаюмий / Нашрга тайёрловчи: акад. А.Қаюмов. О.Жўрабоев. Тошкент, 1998. II жилд. 380-381-б.
7. Қаюмов Пўлатжон. Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти: (материаллар ва хотирлар). – Т.: Тамаддун, 2011. 197-198 –бетлар.

ADABIYOTSHUNOS SUYUMA G'ANIYEVANING TADQIQOT USULI VA MEZONLARI

*Sohiba Umarova, TDPU o'qituvchisi
Xursheda Xamidjonova, TDPU talabasi*

Ko'pminglik tarixga ega turkiy xalqlarning o'ziga xos ma'naviyati, madaniyati uzoq moziydan boshlab yaratilgan yozma merosimizda aks etadi. Tabiiyki, yozma meros deganda beixtiyor turli zamonlarda yashab, hayotini ilm-fan rivojiga bag'ishlagan ajdodlarimiz, mutafakkir allomalarimiz ko'z oldimizga keladi. Ular ilm, fan, adabiyot, san'at sohalarida uchmasiz qoldirishgan. Ulug' shoir so'zlari bilan aytganda:

**Ki bu bahr ichrakim poyonanga yo'q,
Yetishmak qa'riga imkon anga yo'q.
Yetishgan el nechadur olg'on emish,
Ne oliyqadrdurlar qolg'on emish.**